

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1797-ҳадис

1797/5117 – عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ وَسَلْمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ قَالَا: كُنَّا فِي جَيْشٍ،
فَأَتَانَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنَّهُ قَدْ أُذِنَ لَكُمْ أَنْ تَسْتَمْتِعُوا، فَاسْتَمْتِعُوا.

1797.5117, 5118. Жобир ибн Абдуллоҳ ва Салама ибн Акваъ розияллоҳу анхумдан ривоят қилинади:

«Бир қўшинда эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга келиб: «Сизларга мутъа қилишга рухсат берилди, мутъа қилаверинг», дедилар».

Изоҳ: Бу ҳадис зоҳиран қараганда тарожумга зид кўринса-да, аслида бу ерда имом Бухорий ўз одатига кўра, ҳадиснинг бир қисмини келтириб, қолганига ишора қилган. Ушбу ҳадиснинг бошқа ривоятлардаги тўлиқ шаклида Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхунинг «Кейин бу тақиқланди», деган гаплари келади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI